

204-02

4252600

Харидор

### ШАРТНОМА № 6

(Маҳсулот-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

«01» 01 2023 йил

Фаргона ш.

“Ўзбеккумир” АЖ “КО’МИР ТА’МИНОТ” МЧЖ Фаргона вилоят филиали раҳбари С.Умаров бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан Ушугурик тумани Роҳилиги  
Раҳбар А. Новамуллоев бундан буён «Харидор» деб юритилади, қуйдагилар хақида ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар. БСБ билан.

### II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1.

т/р №	Маҳсулотнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
1	<u>Кўмир (исоп)</u> Жами	тонна	<u>20</u>	<u>300,30</u>	<u>6006000</u> <u>6006000</u>

Маҳсулотларнинг шартномавий умумий баҳоси  
(Олти миллион олти минг) сўм 00 тийин.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» маҳсулот учун етказиб берилаётган маҳсулотнинг 30% микдорида олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади, маҳсулотни қабул қилган пайтдан бошлаб 10 кун ичида қолган 70% тўловни амалга оширади.

3.2. Маҳсулотларни «Сотувчи» нинг туманларда жойлашган оморлардан «Харидор» га берилади.

3.3. Кўмир ёқилгиси “Харидор” томонидан “Сотувчи” нинг оморидан ўз маблағлари ҳисобидан ташиб кетилади.

3.4. Маҳсулотнинг нархи ва шартнома умумий қиймати маҳсулот юкланаётган кундаги нарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотни ушбу шартноманинг 9.3 бандида белгиланган давр охирига қадар етказиб беради.

### V. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифати ишлаб чиқарувчининг белгиланган стандартлари, мувофиқлик сертификати ва меъёрий ҳужжатлар асосида «Харидор»га етказилади.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га, маҳсулотни оморхоналардан сотиш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- «Сотувчи» етказиб бериладиган маҳсулотларни ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномавий талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда ёзма равишда 1 кун ичида «Сотувчи»ни далолатнома расмийлаштирилиб оғохлантириши.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда махсулотни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,2% миқдорда «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулотлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак. Лекин, Ангрен кумир қонида табиий офат кучки ва бошқа кумирнинг казиб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар юзага келса, бу ҳақда «Харидор»га ёзма равишда кумир ёқилгиси етказиб бера олмаслиги маълум бўлган тақдирда «Сотувчи» пеня тўлашдан озод этилади ва «Харидор»томонидан ошқочқа тўланган маблағ унинг талабига асосан қайтариледи.

7.3. «Харидор» олинган махсулот учун махсулот етказиб берилган кундан бошлаб 60 кундан сўнг, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,2% миқдорда «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса ҳужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил "26" 01 дан 2022 йил "31" декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга киреди.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

«КО'МИР ТА'МИНОТ» МСНД  
Фарғона вилоят филиали

х/р: 2020 8000 1047 9441 6001

ТГРФ УзПСБ г.Ташкент

МФО 00424 ИНН 207016317

ОКНО: \_\_\_\_\_ ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

Адрес: П/б 200 Ангрен ш. Истиклол 1 кўчаси

Раҳбар: С.Умаров



### «ХАРИДОР»

Ўзқурпрен Тўқмаи Қоқил қилди  
Нойибу: С.Умаров 8640  
Ш/р: 100020860302217011209018002

Х/р: 234020003000000000000000

МФО - 00014, ИНН 200124220

Ўзқурпрен Тўқмаи Қоқил қилди

ОКОНХ КНИИ

ШХР \_\_\_\_\_

ИНН 201124

Раҳбар: С.Умаров



Хуқуқшунос хулосаси: Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, «Ҳужалик юритувчи суди»нинг фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ҳар иккала ташкилот ҳам давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, юридик шахс ҳисобланиб, ташкилот раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга. Шартномада шартнома мазмуни, баҳоси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда томонларнинг банк реқвизитлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Шунинг учун ушбу шартномани имзолашга бўлади деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос А.Д.Азизов